



E CONF SERIES



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th August, 2025

СУДЛОВ ФАОЛИЯТИНИ РА҆ҚАМЛАШТИРИШ: МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИККА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

Фуқаролик ишлари бўйича

Учтепа туманлараро суди судьяси

Худайбердиева Хабиба Валиевна

Сўнги йилларда мамлакатимизда судлов фаолиятини рақамлаштириш бўйича амалга оширилган ислоҳотлар фуқароларнинг ўз ҳукуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан судларга мурожаат қилишини либераллаштириш, одил судловга эришиш даражасини ошириш, шунингдек судлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш имконини берди. Натижада ариза бериш, ишда масофадан иштирок этиш, суд ҳужжатларини олиш ва ишларнинг кўрилиши ҳақида маълумот олиш каби хизматлар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг интерактив хизматлар портали (<https://my.sud.uz/>) орқали электрон шаклда амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга бугунги кунда видеоконференцалоқа режимида ўтказиладиган суд мажлисларида мобиль видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланишнинг ҳукукий асосларини яратиш орқали процессуал қонунчиликни такомиллаштириш зарурияти мавжуд. **Шу мақсадда 11.03.2025 йилда 1047-сонли «Аҳолига суд муҳокамаларида масофадан иштирок этиш учун янада қулай шароитлар яратилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди.** Ушбу қонуннинг 1-моддасига кўра Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексининг 209-моддасига қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди:

— **модданинг 2-қисми «Ишда иштирок этувчи шахсларнинг видеоконференцалоқа режимидағи суд мажлисида иштирок этишини таъминлаш учун кўрсатилган шахсларнинг яшаш жойи, жойлашган ери ёки турган жойи бўйича тегишли судларнинг видеоконференцалоқа тизимларидан ёхуд ишни кўраётган суднинг мобиль видеоконференцалоқа тизимидан**



E CONF SERIES



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th August, 2025

фойдаланилади». **тарзида таҳрирланди.** Бунда «ёхуд ишни кўраётган суднинг мобиль видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланилади» **жумласи янги тушунча сифатида қонунчиликка киритилди;**

— **модданинг 3-қисми** «Ишда иштирок этувчи шахсларнинг видеоконференцалоқа режимидағи суд мажлисида иштирок этишини таъминлаётган суд ушбу шахсларнинг келган-келмаганлигини текширади ва келган шахсларнинг шахсини аниқлайди. Видеоконференцалоқа режимидағи суд мажлисида мобиль видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланган ҳолда иштирок этаётган шахсларнинг шахси ишни кўраётган суд томонидан ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда аниқланади.» **тарзида таҳрирланди.** Бунда «Видеоконференцалоқа режимидағи суд мажлисида мобиль видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланган ҳолда иштирок этаётган шахсларнинг шахси ишни кўраётган суд томонидан ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда аниқланади.» **жумласи янги тушунча сифатида қонунчиликка киритилди;**

— **Мазкур модда** «Видеоконференцалоқа режимидағи суд мажлисида видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланган ҳолда иштирок этаётган гувоҳларга, экспертларга, мутахассисларга, таржимонларга ўз хуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги тушунтирилганлиги, шунингдек гувоҳнинг қасамёди аудио- ва видеоёзув орқали қайд этилади ва бу ҳақда суд мажлиси баённомасида кўрсатилади» **мазмунидаги 4-қисм билан тўлдирилди.** **Бунгача** видеоконференцалоқа режимидағи суд мажлисида иштирок этаётган гувоҳларга, экспертларга, мутахассисларга, таржимонларга ўз хуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги тушунтирилганлиги тўғрисида улардан тилхат олинарди ва мазкур тилхат у олинган кундан кейинги кундан кечиктирмай суд мажлиси баённомасига қўшиб қўйиш учун ишни кўраётган судга юбориларди.

Бундан ташқари суд хужжатларини ижро этишдан ҳар қандай тарзда бўйин товлашнинг олдини олишга, суд хокимиятининг нуфузи ва таъсирчанлигини кучайтиришга, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулки ҳамда пул маблағлари дахлсизлигини кафолатлашга қаратилган суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун



E CONF SERIES



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th August, 2025

хужжатларини замонавий талаблардан ҳамда жаҳон тамойилларидан келиб чиқсан ҳолда такомиллаштириш зарурияти мавжудлиги туфайли **16.06.2025 йилда 1069-сонли «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига суд хужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиши тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди.** Ушбу қонуннинг 1-моддасига кўра Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексининг 209-моддасига қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди:

- 447-модданинг иккинчи қисмининг 4-бандидаги «юридик шахслар учун эса — солиқ тўловчи идентификация рақами» деган сўзлар «мавжуд бўлган тақдирда — ундирувчи жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами, шунингдек ундирувчининг ва қарздор юридик шахснинг солиқ тўловчи идентификация рақами» деган сўзлар билан алмаштирилди;
- ушбу модданинг 3-қисми «Суд хужжатига асосан бериладиган ижро варақаси судьянинг электрон рақамли имзосидан фойдаланган ҳолда расмийлаштирилади ва QR-код (матрици штрихли код) билан тасдиқланади. Бунда агар суд хужжатига асосан берилган ижро варақаси Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ижро этилиши лозим бўлса ёки ундирувчининг илтимосномасига кўра у суднинг муҳри ва судьянинг имзоси билан тасдиқланган ҳолда қоғоз шаклида берилиши (юборилиши, тақдим этилиши) мумкин» тарзида таҳрирланди. **Бунгача** суд хужжати асосида берилган ижро варақаси судья томонидан имзоланади ва суднинг гербли муҳри билан тасдиқланарди. Таҳрирнинг «Бунда агар суд хужжатига асосан берилган ижро варақаси Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ижро этилиши лозим бўлса ёки ундирувчининг илтимосномасига кўра у суднинг муҳри ва судьянинг имзоси билан тасдиқланган ҳолда қоғоз шаклида берилиши (юборилиши, тақдим этилиши) мумкин» қисми янги тушунча сифатида қонунчиликка киритилди;
- 448-модда «Ижро варақаси ундирувчи жисмоний шахсларга электрон хужжат тарзида, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги шахсий кабинети орқали — мавжуд бўлган тақдирда,



E CONF SERIES



International Educators Conference

Hosted online from Toronto, Canada

Website: econfseries.com

7th August, 2025

ундирувчи юридик шахсларга эса солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали юборилади» **мазмунидаги 5-қисм ва «Агар Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида ундирувчи жисмоний шахснинг шахсий кабинети мавжуд бўлмаса, ижро варақаси унга қоғоз шаклида берилади» 6-қисмлар билан тўлдирилди.** Ушбу қўшимчалар янги тушунча сифатида қонунчиликка киритилди.

Мухтасар қилиб айтганда, миллий қонунчиликка киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар суд-хуқуқ тизимини янада такомиллаштиришга, фуқароларнинг хуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, қабул қилинаётган суд хужжатларининг қонуний, асосли ҳамда адолатли бўлишига хизмат қиласи.